



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Умурзакова Бонухон Азизовна

Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

**МЕДИАТАЛЬЛИМ ОРҚАЛИ МЕДИАМАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ ВА ЗАРУРАТИ**

Аннотация

Мазкурмақолада медиатаълим орқали медиамаданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик зауарти, уни ривожлантириш вазифалари, мактаб ва олий таълимда медиасаводхонликни ошириш, унинг салбий таъсирига қарши курашиш, медиа воситасида кириб келаётган турли ёд ғоялар, маданий ўзига хосликлар ва одатларга онгли муносабатни юзага келтириш масалалари тадқиқ этилган. Шу билан бирга олий таълимда медиамаданиятни шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигига қарши курашиш, ғоявий таҳдидларни олдини олишга доир таҳлиллар келтирилган.

Калит сўзлар: медиатаълим, медиамаданият, ижтимоий сайт, медиасаводхонлик, оммавий ахборот, медиамаҳсулот, архив.

Бугуни кунда янгиланаётган Ўзбекистонда юз бераётган туб ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар жамият медиа мұхитининг кескин сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳодисалар телекоммуникация воситалари ҳамда ахборот технологиялари тизимларининг жадал ривожланиши шароитида юз бериб, бу жамиятдаги ижтимоий бошқарув соҳасида ахборот-телекомму-никация жараёнлари ва турли даражадаги ахборот омиллари йиғиндисини таянч нуқтага чиқармоқда. Бундай вазиятда талаба-ёшларда медиамаданиятни ривожлантириш зарурати ортиб бормоқда. Уларда медиамаконга мослашиш, медиасаводхонликни ошириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.



Глобаллашув шароитида медиа таъсирнинг кўлами ва тезлиги ошиб, оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ундаги ижтимоий сайтлар, кино саноати орқали катта миқдор ва миқёсда ахборотлар узатилмоқда. Замонавий дунёни оммавий ахборот воситалари — медиасиз тасаввур этиш қийин. Медиа - босма нашр, матбуот, телевидение, кино, радио, овоз ёзиш ва интернет тизимини ўз ичига олади. Охирги ярим асрда инсон ҳаётида медиа асосий ўринни тута бошлади. Социологларнинг таъкидлашича, ўртacha ҳисобда ҳозирги замонда “маданийлашган инсон” 75 йил яшайди, мана шу умринг тахминан 50 йилини эса ухламасдан фаол тарзда ўтказади. Ва роса тўққиз йилини телевизор кўришга сарфлайд[1]. Демак, ёшларда медиа материалларидан фойдаланиш дунёқарашини ошириш билан бирга медиамахсулотни узатиш имкониятига эга бўлган ҳар бир инсонда медиаматн яратиш кўникмасини шакллантириш лозим. Бугунги кунда бу вазифа билан медиатаълим шуғулланмоқда. Зоро, “Медиа ва бошқа ахборот хизматлари (кутубхоналар, архивлар ва Интернет) бутун дунёда мавжуд ахборотнинг тўлалигидан келиб чиқсан ҳолда инсонларга қарор қабул қилишга кўмак беради. Бундан ташқари, улар жамият ўзи ҳақидаги ҳақиқатни билиши, аҳоли билан бўладиган мулоқотни қўллаб-қўвватловчи ва шу орқали у билан бирлашган ҳолда мақсад сари бориши мумкин бўлган воситадир”[2]. Шу боис жамиятда медиатаълимни ривожлантириш, бу орқали инсонларда медиасаводхонликни шакллантирипш, медианинг ахборий таъсирига тушиб қолмасликка ўргатиш, ўқитиш муҳим ва устувор вазифалардан биридир. Бунинг учун таълшим тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир таълимирий-ташкилий ишларни қайта кўриб чиқиши, янгича кураш механизмларини яратиш, ўқувчиларда ва талаба-ёшларда медиамаданиятни шакллантиришга янгича ёндашувни олиб кириш талаба этилади.

Инсон ҳукуқлари Умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида ҳар бир исноннинг ахборотдан фойдаланиш эркинлиги қуидаги химоялангани келтирилган: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода этиш ҳукукига эга; ушбу ҳукук ўз эътиқодига тусиксиз тарзда содик бўлиш ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан ҳар қандай давлат чегараларидан қатъий назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўзида мужассам этади”[3]. Бироқ бу эркинлик айрим бурч ва масъулияtlарни ҳам келтириб чиқаради. Яъни ахборот эркинлиги ундан фойдаланувчидан ахборот маданияти ва медиамаданиятни юксак жадаражада бўлишини талаб этади. Чунки ахборот ҳукуки ва ундан фойдаланиш рижтимоий таҳдидга айланиши мумкин.

Тадқиқотчи олимлар Я.Маматова ва С.Сулайманованинг “Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида” номли ўқув қўлланмасида келтирилишича, “медиа ва ахборот саводхонлиги – «соябон», яъни бир тушунча мазмунида икки маъно бирлашган атама сифатида ЮНЕСКО томонидан тавсия этилган. Унинг моҳиятини англаш учун ҳар бир тушунча ўзагини билиш зарур.«Медиа» атамаси (лотинча - medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситасини англатади. Медиа тушунчаси мазмунига ахборотни яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш воситаси ҳамда муаллифлар ва оммавий аудитория ўртасида ахборот алмашинувининг техник воситалари киради. Бугунги кунда медиа атамасидан ОАВ ёки масс-медиа тушунчаларининг синоними сифатида фойдаланилади. Ҳозирги замон жамияти тараққиётига медиаларнинг таъсири йил сайн ошиб бориб, улар воситасида инсонлар атроф-воқеликни ижтимоий ва руҳий жиҳатдан англамоқда ва баҳоламоқда[4]. Замонавий медиаларнинг асосий жиҳатлари сирасига тадқиқотчилар



креативлик (яратувчанлик, ижодкорлик) ва инновацияларни киритмоқда. Демак, ахборотни яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш жараёнида вужудга келадиган салбий таъсирлар, тажовузларга қарши турға оладиган шахсни тарбиялаш бугунги күн учун жуда мұхим ҳисобланади.

Шу билан бирга бошқа манбаларда ҳам медиа истилоҳига шу тарздаги тавсифлар берилганини қўрамиз. «Медиа - оммавий ахборот воситалари, ҳам кенг, ҳам маҳсус аудиторияга мўлжалланган кўнгилочар таклифларни тавсия этувчи, янгилик, ахборот ва реклама ахборотини тарқатишга йўналтирилган кўп сонли ва серқирра функцияларни амалга оширувчи коммуникация воситасидир». Аксарият ҳолларда мутахассислар медиа атамаси ўзагида айнан ушбу тавсифни кўради. Шунга қарамасдан, мазкур истилоҳнинг тор мазмuni ҳам мавжуд. Айрим тадқиқотчилар мазкур атама мазмунидаги ахборот мұхити сифатида айнан ОАВни, бошқалари эса – аниқ ахборот ташувчини назарда тутади”[5].

Фикримизча, медиа таъсирида оладиган маълумотни қайта ишлай олиш, мантиқий ва аналитик таҳлил қилиб кўриш, унинг яширин акс таъсирини англаш қўникмаларини ривожлантириш сифатида медиамаданият нафакат журналистлар, ОАВ ходимлари балки, хорижий тил ўқитувчиларига ҳам жуда керакли сифат ҳисобланади. Чунки улар ҳам бошқа тилларни ўрганувчи ва ўргатувчи сифатида хорижий ахборотни ўзлаштириш, уни ўргатиш билан ҳам шуғулланади. Шу билан бирга хорижий оммавий ахборот воситаларининг холис ва ҳаққоний ахборот етказувчилик фаолиятида уларнинг рационал ёки кўр-кўронга ёндашувининг таъсирини ўқувчи-талабаларда кўриш мумкин бўлади. Шу боис бўлажак чет тили ўқитувчиларида ҳам медиасаводхонликни ошириш, медиатаълим орқали медианинг салбий таъсирларини илғай олиш қўникмаларини шакллантириш, бу орқали ўқувчиларини ҳам ғоявий алданишдан сақлаш иқтидорига эга бўлади.

Медиамаданиятни шакллантириш заруратини тадқиқ этишдан аввал ахборот саводхонлиги, ахборот маданияти, медиатаълим ва медиамаданият тушунчаларининг мазмун моҳияти, луғатларда тарифланишини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ахборот саводхонлиги – ахборотни танлаш, баҳолаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги қўникмалар ва малакалар мажмuinи билдиради. Ахборот саводхонлиги ахборотга эгалиқ, уни баҳолаш ва ахлоқий қоидаларга риоя қилган ҳолда фойдаланишнинг мұхимлигини эътироф этади.

Медиа саводхонлик – масс-медиани қабул қилиш ва унинг фаолиятини баҳолаш бўйича қўникмалар ва малакалар мажмuinи билдиради. Демак, медиа саводхонлик медиа функцияларини тушуниш, мазкур функцияларни амалга ошириш сифатини баҳолаш ва ўз-ўзини ифода этиш, шунингдек, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш учун медиалар билан рационал ҳамкорликка киришишга урғу беради.

Медиа саводхонлик ҳам, ахборот саводхонлиги ҳам ёшларда медиа ва ахборот маконида фойдаланилаётган технологиялардан қатъий назар ўзаро ҳамкорлик қилиш қўникмаларини онгли равишда шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ.



Медиамаданият таркибин и куйидаги асосий тушунчалар ташкил қиласы:

- Медиасаводхонлик;
- Ахборот саводхонлиги;
- Ўз фикрини эркин баён этиш саводхонлиги;
- Кутубхона саводхонлиги;
- Янгиликлар саводхонлиги;
- Компьютер саводхонлиги;
- Интернет-саводхонлиги;
- Рақамли технологиялар соҳасидаги саводхонлик;
- Киносаводхонлик;
- Электрон ўйинлардан фойдаланиш саводхонлиги;
- Телевизион саводхонлик, реклама соҳасидаги саводхонлик.

1-расм. Медиамаданиятнинг таркибий тушунчалари

Медиатаълим атамасини тор мазмунда таълимнинг умуммаданий таркибий қисми сифатида қўлланилади. У умумий таълимнинг мақсадларига мувофиқ келади. Медиатаълим сўзининг синоними сифатида педагогикада медиамаданият ва ахборий маданият сўzlари ҳам қўлланилади. Таълимнинг янги йўналиши, бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот ва коммуникациясоҳасидаги таълимдир. 1982 йилда ЮНЕСКО Медиатаълим декларациясини қабул қилган. Унга кўра, “медиатаълим медианинг барча турлари (босма, график, овозли, экранли ва бошқалар) ва турли технологиялар билан чамбарчас боғланган. У инсонларга оммавий коммуникациядан ижтимоий онгда қандай фойдаланишни тушуниш, бошка одамлар билан коммуникация пайтида медиадан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириш каби билимларни беради”[6]. ЮНЕСКОнинг таърифи кўра: “медиатаълим замонавий оммавий ахборот воситаларибўйича билимнинг назария ва амалиётини ўрганишдир”[7]. Демак, медиадан қандай фойдаланиш дунёқараши ва тафаккури медиатаълимнинг асоси ҳисобланади. Шу боис ёшларда ҳам таълим жараёнида медиадан қандай оқилона фойдаланиш масалаларини тизимли таҳлил этиш муҳим педагогик вазифалардан биридир.

Медианинг глобал характеристи, айниқса рақамли медиа ва Интернетга ёшларнинг жалб қилиниши, уларнинг ОАВда иштироки, ЮНЕСКОнинг асосий стратегиясини қайтадан белгилашига ундади. Мазкур стратегия маҳаллий, ҳудудий, миллий ва



халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу тамойиллар БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва бошқа хужжатларда ҳам ўз аксини топган. Ушбу декларация, қоида ва конвенциялар ОАВ ва медиа саводхонлигини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар уларни ўз маданияти доирасида ўрганиши лозим. Шунингдек, мазкур халқаро конвенция ва декларацияларни халқаро миқёсда ҳам муҳокама қилиш зарур. Зеро, ёшларнинг қизиқишлари глобал коммуникация, маданиятлараро алоқалар ва Интернетдаги ҳамкорлик соҳасини тараққий этишига қаратилган.

Медиатаълим шахснинг ахборот олиш ва тарқатиш хуқуқининг бир қисми. ЮНЕСКО томонидан медиатаълим дунёнинг барча мамлакатлари таълим тизимлари миллӣ ўқув режаларига жорий этишни тавсия этилади. Ҳозирги кунда Европа давлатлари, АҚШ, Австралия ва Россия сингари мамлакатларда медиатаълим мажбурий фан сифатида таълим тизимиға киритилган.

Оксфорд энциклопедиясига кўра, “медиатаълим медиани ўрганишдир. Медиатаълим яратилаётган ва тарқатилаётган медиаматнлар билан боғланган. Таълим олувчиларда медиаматнларнинг мазмун-моҳиятига изоҳ ва баҳо бериш учун таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантиради. Медиани ўрганишодатда амалий тарзда, яъни медиаматнлар яратиш билан боғлиқ амалга оширилади. Медиатаълим медиани ўрганиш орқали медиасаводхонликни оширишга хизмат қиласди”[8].

Россиянинг “Педагогик қомусий луғати”да эса медиатаълим қуидагича тарифланади: “ўрганувчиларга оммавий коммуникацияни ўргатувчи педагогиканинг бир йўналиши”[9]. Таърифларнинг ҳеч бирида фаннинг моҳияти ўзгармайди ва у медиамаданиятни ўрганишга асосланганлиги келиб чиқади.

“Википедиа” электрон қомусида берилишича, медиатаълим — оммавий ахборот воситалари — матбуот, телевидение, радио, кинематография, Интернетни ўрганишдир. Бу борадаги билимлар нафақат соҳа учун кадрларни етказиб бериш учун, балкиахборот технологияларига мурожаат этадиган ҳар бир инсонда медиасаводхонлик — медиаматнларни таҳлил этиш, баҳолаш ва яратиш кўникмасини шакллантириш учун хизмат қиласди.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида медиамаданиятга қуидагича тарифни шакллантириш мумкин: Медиамаданият — турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси. Ақлли йигит-қизларнинг ўз ҳимоя қобиги, «зирҳ»и бўлади. Улар медиа маҳсулотларни ўз «маънавий фильтр»и (мафкуравий иммунитети) орқали кўра олишади, ўқиб, томоша қилишади. Медиаматнлардаги тарғибот-ташвиқотни, бирёқламаликни ва бунинг сабабларини, маълумот тарқатувчининг ниятларини кўриб туришади. Бундай медиамаданият медиамаҳсулотларга танқидий ёндашувни белгилаб беради, алданишлардан асрайди.

Адабиётлар

1. Kubey, R. (1998). Obstacles to the Development of Media Education in the United States. Journal of Communication (Winter), pp.58-69.
2. Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиётини ўлида. Ўқув қўлланма.–Тошкент.:«Extremum-press», 2015. –Б.8.



3. Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиётйўлида. Ўкув қўлланма.–Тошкент.:«Extremum-press», 2015. –Б.52.
4. www.edu.jobsmarket.ru
5. www.advesti.ru/ glossary/desk/1952).
6. UNESCO [Recommendations Addressed to the United Nations Educational Scientific and Cultural Organization UNESCO. In: Education for the Media and the Digital Age. Vienna: UNESCO, 1999, p.273-274. Reprint in: Outlooks on Children and Media. Goteborg: UNESCO & NORDICOM, 2001, p.152].
7. UNESCO, 1984. Media education. Paris: UNESCO. P. 8.
8. Dorr, A. (2001) Media Literacy. In: International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences. Vol. 14 / Eds.N.J.Smelser & P.B.Baltes. Oxford, 2001, pp.9494-9495.
9. Педагогический энциклопедический словарь / Гл. ред. Б.М. Бим-Бад; Редкол.: М.М. Безруких, В.А. Болотов, Л.С. Глебова и др. М.: Большая Рос. энцикл., 2002. С. 138.